

НАВОИЙ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И

бўйича судлов ҳайъати, суд биносида, очик суд мажлисида, видеоконференцалоқа режимида,

иборат таркибда,

тарафлардан Навоий вилоят прокуратурасининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими катта прокурори О.Азимов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат И.Собиров, жабрланувчининг қонуний вакили Т.Каримовнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг 2022 йил 1 февралдаги ҳукмига нисбатан судланувчи [REDACTED] ва унинг адвокати И.Собиров томонидан келтирилган шикоят асосида жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг 2022 йил 1 февралдаги ҳукмига кўра:

1974 йил 2 мартда Қизилтепа туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, 2-гурух ногирони, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Қизилтепа тумани, “Хусбиддин” МФЙ, “Хусбиддин” қишлоғи, 55-уйда яшовчи, иш бўйича “Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхасини ўз вақтида

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан 3 йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, суд залидан қамоққа олинган.

Жабрланувчининг қонуний вакили Т.Каримовга судланувчидан келгусида моддий ва маънавий зарарни ундириш бўйича фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилган.

куни соат 14:30 ларда, бошқарувидаги техник носоз ҳолатдаги “Матиз” русумли, 85/902ТТҒ давлат рақамли автомашинасида Қизилтепа туман



худудидан ўтувчи 4R56 “Қизилтепа-Когон” автомобиль йўлининг 19 км.да “Консурун” маҳалласи томон ҳаракатланиб, амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 8-банди “тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлган шахс ўзига тегишли бўлмаган транспорт воситасини уни тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи ёки эгалик қилишга, фойдаланишга берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган тақдирда бошқариши мумкинлиги”, 11-банди “а” кичик банди, “ҳайдовчи йўлга чиқишдан олдин транспорт воситасининг техник созлигини текшириши” шартлиги, “г” кичик банди, “ҳайдовчи ҳаракатланиш чоғида пиёдалар, айниқса болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипидчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши” кераклиги ҳамда 77-банди, ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши кераклиги, тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклиги, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклиги тўғрисидаги қоидаларга риоя қилмасдан, йўлнинг ўзига нисбатан чап томон қисмидан йўлни қатнов қисмини кесиб ўтаётган Х.Каримовни автомашина олд ўнг томони билан уриб юбориб, йўл-транспорт ҳодисасини содир этган, натижада Х.Каримов олган тан жароҳати сабабли воқеа жойида вафот этган.

баҳс юритилмаган ҳолда, биринчи босқич судининг ҳукмини ўзгартириб, судланувчи [REDACTED] нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоси тайинлаш сўралган.

Жабрланувчининг қонуний вакили Т.Каримов ўз эътирозиди, судланувчи [REDACTED] яқин қариндошлари томонидан жиноят оқибатида етказилган барча моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қопланганини қайд этиб, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ва унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгил жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди раисининг ўринбосари [REDACTED]

И.Собировнинг судланувчига нисбатан енгиллик бериш тўғрисидаги фикрларини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра биринчи [REDACTED] жич судининг ҳукмини ўзгартиришни лозим топади.



Суд, содир этилган жиноят тафсилотларини тўғри аниқлаб, судланувчи

химоя қилиш учун келтирган важларига баҳо бериб, судда текширилган далилларни судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун етарли деб ҳисоблаб, унинг айби тасдиқлангани тўғрисида асосли хулосага келиб, унинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилган ва судланувчининг қилмиш жиноий ҳаракати натижасида оғир оқибат, яъни одам ўлими келиб чиққани ҳамда жабрланувчининг қонуний вакилини судланувчига нисбатан қатъий давъвоси бўлиб, оғир жазо тайинлаш ҳақидаги талабидан юзасидан унга нисбатан у айбланаётган модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш ҳақида адолатли қарор қабул қилган.

Апелляция инстанциясида видеоконференцалоқа режимида сўроқ қилинган жабрланувчининг қонуний вакили Т.Каримов, судга ёзма равишда тақдим этган эътирозини тўлиқ қувватлашини ва судланувчи [REDACTED] нисбатан давъвоси йўқлигини ҳамда унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

ЖКнинг 72-моддасида, агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкинлиги қайд этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 26-бандида, судларга унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланиши ҳақида раҳбарий кўрсатма берилган.

Судлов ҳайъати, юқорида қайд этилганларга кўра, судланувчи [REDACTED] айбидаги суд ҳукмида қайд этилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳамда жабрланувчининг қонуний вакилини унга нисбатан давъвоси йўқлиги ва енгиллик бериш ҳақидаги талабини инобатга олиб, [REDACTED] тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтамасдан туриб ҳам уни қайта тарбиялаш мумкин деб ҳисоблаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасини қўллаб, шартли жазо тайинлашни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>13</sup>-497<sup>18</sup> 497<sup>26</sup>, 497<sup>30</sup>-497<sup>31</sup>-  
 моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

### А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг 2022 йил  
 1 февралдаги [REDACTED]  
 [REDACTED] ид ҳукми ўзгартирилсин.

ЖКнинг 72-моддаси қўлланилган ҳолда, суд ҳукмига кўра Ўзбекистон  
 Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан тайинланган 5 (беш) йил  
 озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартли ҳисобланиб, 3 (уч) йил синов  
 муддати белгилансин.

Синов муддати ажрим эълон қилинган кундан эътиборан ҳисоблансин.  
 [REDACTED]

ҳисобланган Қизилтепа тумани, “Хусбиддин” МФЙ, “Хусбиддин” қишлоғи,  
 55-уйдан чиқмаслик, ҳар ойда бир мартаба Қизилтепа туман ИИО пробац  
 бўлинмасидан рўйхатдан ўтиб туриш, ИИО пробац бўлинмасининг  
 розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Навоий вилоят худудидан  
 ташқарига чиқмаслик каби мажбуриятлар юклатилсин ҳамда унинг хулқи  
 устидан назорат Қизилтепа туман ИИО пробац бўлинмаси зиммасига  
 юклатилсин.

[REDACTED]  
 этилсин.

Суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция шикоят қаноатлантирилсин.

Ажримдан норози томон, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг  
 497<sup>36</sup>, 499, 500-моддаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий судига  
 кассация тартибида шикоят беришга ёки протест билдириш ҳуқуқига эга  
 бўлган шахслар протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:	/имзо/	А.Шайдоев
Ҳайъат аъзолари:	/имзо/	М.Кадиров
	/имзо/	А.Исоков

Нусхаси аслига тўғри,  
 Маърузачи судья :

А.Шайдоев

